




**BUXORO  
DAVLAT  
UNIVERSITETI**

ISSN 2181-6833

# **PEDAGOGIK MAHORAT**

**6**  
**2020**



*[Faint, illegible text from the reverse side of the page is visible through the paper.]*

## MUNDARIJA

<b>PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA.....</b>	<b>7</b>
Сиддик КАҲҲОРОВ, Дилшод МИРЗОЕВ, Азизбек САЙФУЛЛАЕВ. Мутахассислик фанларни ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланишнинг ўзига хосликлари .....	7
Валихожа АТАХОЖАЕВ, Султонпошша АБДУЛЛАЕВА. Кейс технологии как инновационный метод .....	10
Насиба СОБИРОВА. Функции методической службы в формировании профессиональных компетенций учителей .....	13
Раъно АЛИМАРДАНОВА, Ўзбек оилаларида ёш келин-куёв ўртасидаги соғлом муносабатларни таъминловчи миллий-психологик омиллар .....	16
Шахноза ШАРИПОВА. Таълим жараёнида инновацион технологиялар татбиқи .....	22
Nazokat SAYIDOVA, Gulbahor ZARIPOVA, Orifjon HAYDAROV. Oliy ta'lim jarayonining kredit-modul tizimida professor-o'qituvchi bilan talabalarning pedagogik hamkorligi .....	28
Шабон ФАРМОНОВА. Лойихавий таълим воситасида бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив маданиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-педагогик зарурати .....	32
Шавкиддин АДАШБОЕВ. Олий таълим тизимини рақамлаштириш .....	36
Дилдора КАХХАРОВА. Теоретические основы организации инклюзивного образования в общеобразовательных школах .....	39
Шерзод АБДУРАҲМОНОВ. Бошланғич синф ўқувчиларида ватанга эътиқодни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараённинг ўзига хос хусусиятлари .....	45
Гулноз ОЧИЛОВА, Гулнара МУСАХАНОВА. Ёшлардаги тадбиркорлик қобилияти шакллантирилганлигининг гендер хусусиятлари .....	50
Yoqubjon DJUMANAZAROV. Barkamol avlod tarbiyasida g'oyaviy-mafkuraviy muammolarning psixologik aspektlari va ularning profilaktikasi.....	53
Зубайда БАХРОНОВА. Шарқ мутафаккирлари қарашларида ахлоқий маданият масалалари.....	59
Хусен САФОЕВ. Современные особенности диалектического развития морально-психологического фактора.....	63
Ҳасан БАҲРОМОВ. Ибн Сино маънавий меросида таълим-тарбия масаласи.....	68
Хусниддин ҲОМИДОВ. Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг омиллари.....	72
M.Sh.XOJIEVA. Abu Ali ibn Sino shaxsi va uning ta'lim-tarbiya taraqqiyotiga qo'shgan hissasi.....	75
Шохруҳ САЛИХОВ, Тимур САЛИХОВ. Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг психо-физиологик асослари .....	80
Амрулло АБДУЛЛАЕВ. Буюк саркардаларнинг ҳарбий стратегиялари асосида ватан ҳимоячиларини тарбиялаш .....	84
Учқун БАЛИЕВ. Гуруҳ мураббийларининг талабалар билан тарбиявий жараёнини ташкил қилиш ...	87
Темир ОЛИМОВ. Талабаларда фуқаролик маданиятини ривожлантиришда маънавий-маърифий ишларнинг мазмуни .....	90
Ситорабону ХОЛБОЕВА. Педагогические основы подготовки девушек студентов к семейным отношениям .....	93
Абдурашид ТУРҒУНОВ. Мактабгача ёшдаги болалар хотирасини ривожлантиришда психологнинг вазифалари .....	97
Жасур ОСТОНОВ. Копинг-стратегии: развитие в онтогенезе .....	102
Олмос АВЕЗОВ. Экстремал ва фавқулотда вазиятлар тўғрисида замонавий тушунчалар .....	105
Ҳалим ҲАСАНОВ. Ўқувчиларда мусикий тасаввурлар шаклланишининг педагогик-психологик аҳамияти.....	110
Жамол НОСИРОВ. Спортчиларда ҳиссий-иродавий сифатлар шаклланишининг психологик хусусиятлари .....	113
<b>МАКТАБГАЧА ВА БОШЛАНГ'ИЧ ТА'ЛИМ.....</b>	<b>118</b>
М.З.Файзуллаева, М.Э.Рустамова. Мактабгача таълим тизимининг сўнгги йиллардаги ривожланиш ва тараққиёти таҳлили .....	118
Umedjon JUMAYEV, Zarina ASHUROVA. Jahon maktabgacha ta'limi rivojida noan'anaviy mashg'uatlar: Valdorf, Montessori pedagogikasi.....	121
<b>FILOLOGIYA VA TILLARNI O'RGANISH .....</b>	<b>128</b>
Насиба БОЗОРОВА. Юридик лексикани ўрганишда детектив асарларнинг роли.....	128

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қўлланган кийим ва мато номлари.....	132
Sobit AVEZOV, Mahbuba SHARIPOVA. “Alpomish” dostoni-o‘zbek xalqi tarixining badiiy ifodasi .....	136
Гулчеҳра ИЗБУЛЛАЕВА. Фариддин Аттор асарларида аёл сиймоси садоқат тимсоли сифатида..	139
Мухаммад ФАЙЗУЛЛАЕВ, М.М.Саидова. Инновационный подход к сравнительно-типологическому анализу одноименных сказок народов Восточной Азии.....	145
Зульфия ТУЕВА, Дилором ЮЛДАШЕВА. Высказывание и о его видах.....	149
Нодирбек ҚАМБАРОВ. Ўқувчининг нуткий компетенциясини ривожлантиришда психолингвистиканинг ўрни .....	155
Гулзира МАДАМИНОВА. Ўқувчи мотивациясини ривожлантиришда таълимий драма технологиясидан фойдаланиш .....	160

**ANIQ VA TABIIY FANLARNI O‘QITISH ..... 164**

Умида УМАРОВА. Мулоҳазалар алгебрасини ўқитишда интерфаол методлардан фойдаланиш методикаси.....	164
Комил МУҚИМОВ, Сиддик КАХҲОРОВ, Ғофуржон ЭШОНҚУЛОВ, Дилноза НОМОЗОВА, Моҳинур САЛИМОВА. Сканловчи яқин майдонли оптик микроскоп.....	170
Siddiq QANHOROV, Abdimo‘min KARIMOV, Oynisa KARIMOVA. Kompetensiyaviy yondashuv asosida o‘quvchilarning tafakkurini oshirish.....	175
Ahat AHMEDOV. Yuqori malakali fizika o‘qituvchilarini tayyorlashda laboratoriya mashg‘ulotlarining o‘rni va ahamiyati .....	179
Мирзохид ТУРДИЕВ. Суюқ ва газ лазерларининг тиббиётда қўлланилиши.....	182
Холмухаммад АМОНОВ. Географияни ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш йўллари.....	186

**TASVIRIY SAN‘AT VA MUSIQA TA‘LIMI ..... 190**

Саида ЭРГАШЕВА. Формирование у учеников художественных и культурных компетенций в виде проблемы .....	190
Алишер БЕРИКБАЕВ. Ўқув машғулотида талабаларнинг касбий компетентликларини ривожлантиришнинг субъектив таъсири.....	193
Саноқул ДЎСТОВ. Миллий мусика чолғуларнинг шаклланиши ва ривожланиши.....	198
Azamat RAJABOV. Markaziy Osiyoda musiqa san‘ati va cholg‘u ijrochiligining rivojlanishi .....	202
Рустам РАҲИМОВ. Мусика ва санъат мактаблари ўқувчиларини ахлокий-эстетик тарбиялашнинг назарий асослари .....	205

**LISMONIY MADANIYAT VA SPORT ..... 209**

Бегзод КАРИМОВ. Ўқувчи ёшларнинг жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланиш жараёнида маънавий-ахлокий сифатларини шакллантириш .....	209
Руслан МЕЛЬЗИДДИНОВ. Специальная работоспособность футболистов как фактор подготовленности спортсменов .....	213
Фаррух ТУРКМЕНОВ. Миллий ўйинлар ва спорт байрамларининг инсон жисмоний ва ахлокий-эстетик тараққиётидаги ўрни .....	216
Акрам АКМАЛОВ, Аксам УСМОНОВ. Спорт мутахассисларининг малака ошириш курсларида инновацион технологияларга интегратив ёндашув .....	220
Шухрат ХИДОЯТОВ. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбиянинг аҳамияти .....	225
Камол БЎРИЕВ. Кураш спорт турида тадқиқотларни ўтказиш усулларининг ўзига хослиги.....	229

## PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA

**Сиддиқ ҚАҲҲОРОВ**

Бухоро давлат университети  
физика кафедраси профессори,  
педагогика фанлари доктори

**Дилшод МИРЗОЕВ**

ТИҚХММИ Бухоро филиали  
кишлоқ ва сув хўжалигида  
энергия таъминоти кафедраси  
ўқитувчиси

**Азизбек САЙФУЛЛАЕВ**

Бухоро давлат университети  
таянч докторанти

### МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАРДАН Фойдаланишнинг ўзига хосликлари

*Ушбу мақолада ўқув методларини аниқ шакллантириш, дарс сифатини оширишнинг асосий омилли эканлиги хусусида фикр баён этилган. Таълим технологиялари билан бирга амалий машғулотларнинг аниқ режа асосида ўтилиши ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилиши ёритилган.*

**Калит сўзлар:** *аффектив, дидактик, метод, малака, тамойил, модернизация, технология, стратегия, кўникма, когнитив, интерфаол.*

*В этой статье дано четкое формирование методов обучения в качестве ключевых факторов повышения качества обучения. Подчеркивается сочетание технологий общественного образования с практическими занятиями на основе четкого плана послужит повышению качества образования.*

**Ключевые слова:** *аффективный, дидактический, метод, навык, принцип, модернизация, технология, стратегия, навык, когнитивный, интерактивный.*

*This article states the clear formation of teaching methods as a key factor in improving the quality of training. It is emphasized that a combination of public education technologies with practical exercises based on a clear plan will serve to improve the quality of education. Examples show that effective results can be obtained using advanced pedagogical technologies.*

**Key words:** *affective, didactic, method, skill, principle, modernization, technology, strategy, skill, cognitive, interactive.*

Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёнининг тезкор ривожланиш динамикаси таълим тизими олдида ижодкорлик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган, мустақил қарор қабул қила оладиган ва техник технологияларга тез мослашишга лаёқатли, малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўймоқда. Шунингдек, олий таълим тизими олдида турган долзарб вазифалардан бири ўқитишда инновацион технологиялар ва илғор тажриба ютуқларидан кенг фойдаланиш, уларни ўқув жараёнига жорий этиш ҳамда ривожланган давлатларнинг касбий таълим тажрибаларини мамлакатимиз таълим тизимига татбиқ этиш орқали таълим самарадорлигига эришиш ҳисобланади. Ҳозирги пайтда кадрлар тайёрлаш сифати таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини илмий асосда тўғри режалаштириш, ташкил этиш ва бошқариш, унга инновацион ёндашиш, инновацион таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, профессор-ўқитувчилар маҳоратига боғлиқ.

Мутахассислик фанларини ўқитиш ҳақида фикр юритиш ҳақида тўхталсак:

**Таълим** - билим бериш, малака ва кўникма ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга, меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида билим ўзлаштирилади ва тарбия амалга оширилади.

**Методика** - педагогиканинг ўқитиш қонуниятлари, қоидалари, ташкил этиш шакллари, амалга ошириш ва натижаларини назорат қилиб, баҳолаш метод ҳамда воситаларини ўзида мужассамлаштирувчи фан тармоғи. Ҳар бир ўқув фани, ўқитиш соҳаси ўргатишнинг вазифалари, мазмуни, методлари ва ташкилий кўриниши ҳақидаги методика асосида қурилади.

**Тамойил** - бу умумий қабул қилинган қоидалар. У бир ёки бир неча тушунчалар ўртасидаги муносабатни ифода этади.

**Кўникма** - талабаларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатини ёки ҳаракатлар мажмуасини муайян шароитда мақсадга мувофиқ муваффақиятли бажариш.

**Малака** - талабаларнинг меҳнат жараёнидаги ҳаракатни ёки ҳаракатлар мажмуасини аниқ, тез, мақсадга мувофиқ автоматик тарзда бажариши.

**Баҳолаш** - таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишдан иборат жараён.

Маълумки, таълим мазмуни инсонни ўқитиш жараёнида эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳажми ҳамда характери билан белгиланади. Шу сабабли, таълим мазмуни

режалаштирилган мақсадга мувофиқ йўналишда ва ҳажм бўйича шакллантирилади. У тегишли меъёрий ҳужжатлар: таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув дастурлари шаклида расмийлаштирилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Таълим мазмунини тўғри белгилашда ҳамда унга зарур ўзгартиришлар киритишда таълим мазмунининг янгилашиб бориш имкониятлари, яъни уни модернизация қилишни эътиборга олиш лозим. Белгиланган мазмун асосида ўқув фанлари, ўқув соатлари, машғулот турлари аниқланади ва бунда таълим мазмуни тамойилларига асосланади.



Мутахассислик фанларини ўқитиш жараёни бир тизим деб қарайдиган бўлсак, уни ташкил этувчилари, яъни элементларига қуйидагилар киради:

- ўқув мақсади;
- аниқ мақсадлар (қутилаётган натижалар);
- таълим берувчи;
- таълим олувчи;
- таълим мазмуни;
- таълим методи;
- таълим шакли;
- таълим воситалари;
- назорат ва баҳолаш.

**Ўқув мақсадлари.** Ўқув мақсадлари муайян таълим жараёни якунида таълим олувчи томонидан ўзлаштирилиши, янги ҳосил қилиниши лозим бўлган билим, иш-ҳаракат усуллари билан боғлиқ бўлган амалий топшириқни уддалай олиш маҳорати.

Ҳар қандай ўқув машғулоти дарс олдидан белгиланган муайян ўқув натижаларига эришиш мақсадида амалга оширилади. Агар дарснинг мақсадлари аниқланмасдан ўтказилса, у ҳолда унинг мазмуни ва дидактик тузилиши у ёки бу даражада тасодифга боғлиқ бўлади. Бу эса ўз навбатида “аравани қуруқ олиб қочишга” олиб келади. Ҳар бир назарий ва амалий машғулотнинг ўқув мақсадлари олдиндан аниқланиши лозим. Аниқланган ўқув мақсадлари дарс мазмуни бўйича қайси назарий материалларни танлаш, уни ўтказиш бўйича қандай методик ва дидактик имкониятлардан фойдаланиш лозимлигини белгилаб беради. Шундай қилиб, ҳар қандай ўқув мақсадлари таълим-тарбия жараёнида унинг мазмуни, методлари ва воситаларини белгилаб беради.

Аниқ ўқув мақсадлари моҳиятига кўра уч соҳага бўлинади:

- **когнитив** (назарий билимларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси;
- **психомоторик** (амалий хатти-ҳаракатларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси;

**аффектив** (хулқ, ўзини тутиш, атроф-муҳитга ва теварак атрофдагиларга муносабатнинг шаклланиши ва қадриятларни ўзлаштириш билан боғлиқ) ўқув мақсадлари соҳаси.

Мутахассислик фанларининг ўқитилишида интерфаол методлардан кенг фойдаланилади. Интерфаол методлар асосида тузилган дарс тизимларида турли стратегиялардан фойдаланилади.

гапиришга ҳақлимиз. Бола бир объектни бошқаси билан такқослаб, улардан бири йўқлигида улар ўртасидаги ўхшашлик ёки фарқ ҳақида гапиради (масалан, товукни нималагини биладиган уч ёшли бола биринчи марта ғозларни кўрганда: “товуқлар, катта товуқлар!” дейишади).

3. *Мантиқий фикрлаш*, такқосланаётган буюмларнинг ҳар бирини мақсадли таҳлил қилиш, уларнинг хусусиятларининг фарқлари ва ўхшашликларини ўрнатишни талаб қилади. Боланинг сўзлари, саволлари ва баёнотларида эрта умумлаштириш, семантик танлаш, фикрлаш ва хулосалар операциялари аниқ кўринади. Улар ҳали ҳам содда ва юзаки, чунки болалар ҳар бир ҳодиса ёки объектлар гуруҳидаги муҳим (асосий) хусусиятларни аниқлай олмайдилар ва тўғри хулоса чиқарадилар. Лекин илк ёшдаги боланинг ақлий фаолияти инсоннинг келажақдаги ақлий фаолиятининг энг муҳим шартидир. Унинг асосий қиймати шундаки, у *мантиқий тафаккурнинг* ривожланишига туртки бўлиб хизмат қиладиган ва келажақда мантиқий тафаккурнинг тўғрилигини текширадиган амалий интеллект, амалий фикрлаш учун замин ҳозирлайди.

Ота-оналарга ёш болаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича маслаҳатлар:

1. Бола ҳаётдаги оғир дамлардан чиқиш учун зарурий йўллари топиши учун унга муаммоли вазиятларни пайдо қилиш (юзага келтириш).

2. Унинг учун ҳамма нарсани ҳал қилишга шошилмаслик. Унга қийинчиликлардан “омон қолиш” учун имконият бериш, ўзи учун турли ечимларни синаш имконини бериш. Фаолиятини кузатиш, у барча тажрибани синаб кўриб, ҳаракатдан воз кечмоқчи бўлгандагина аралаштириш.

3. Доимо такқослаш, таҳлил, синтез ва умумлаштиришга доир мисоллар кўрсатиб туриш. Боланинг ҳаёти ана шу имкониятларга тўла.

4. Бола нутқининг ривожланиши учун шароит яратиш, шу орқали унинг ақлий фаолиятининг ривожланиши учун шароит яратиш. Лекин шуни унутмаслигимиз керакки, фақат гапириш эмас, балки муайян ҳаракатни, нутқ сўзлаш билан боғлиқ муаммоли вазиятни аниқ ҳал қилиш муҳимдир.

Шундай қилиб, боланинг билиш фаолиятини ривожлантириш қонуниятларини ота-оналар билан муҳокама қилиш ҳаётнинг биринчи уч йил, психолог унинг ривожланиш муваффақияти учун асосий шарт-шароитлар шакллантириши керак. Бола ўз хис-туйғулари ва идрокининг ривожланиши учун шароит яратилса, ақли бўлади, актив фаолият унинг хотирасини бойитади, атрофдаги объектларнинг ўзгартириши учун шароит яратилади, унинг тасаввурлари ривожланади ва бу билиш жараёнларининг барчаси асосида бола муаммоли билим вазиятларида ўзини топади, у ўз саволларга ечим кидириши, яъни фикрлаши керак бўлади.

#### Адабиётлар

1. Ляудис В.Я. Память как хронологическая основа личностной самоорганизации. //Вестник МГУ, серия 14. 1991. №4.
2. Истомина З.М., Капунова Т.М. Зависимость запоминания разных видов материала от особенностей мыслительной деятельности детей. /Сборник: “Совершенствование содержания и методов обучения детей в детском саду”. -М., 1987.
3. Смирнов А.А. Проблемы психологии памяти. -М., 1966. 422 с.
4. Мактабгача ёшдаги болаларни ривожлантириш: нимага эътибор қаратиш керак (<http://olympic.uz/49711> манбаага мурожаат: 01.09.2020 й.).
5. Ушинский К.Д. Воспитание человека. Избранное. // Педагогика детства. “Карапуз”, 2000. с. 210.
6. Запорожец А.В. Психологическое развитие ребенка. Избр. психологические труды в 2-х томах. -М., 1986.
7. Нишонова З.Т., Алимова К.Г. Болалар психологияси ва психодиагностика. -Т.: ТДПУ, 2017. - 264 б.